

МОСКВАДА
ЎЗБЕКИСТОН
КУНЛАРИ

КАТТА ИЖОДИЙ КҮРИК

ЕТУКЛИК ИМТИҲОНИ

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг ўринбосари С. КАМОЛИТДИНОВ билан суҳбат

Бугун жонажон пойтахтимиз Москвада Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари бошланди. Бу кунлар чинакам маданиятимиз байрамига айланди. Серкўёш республикамиз пойтахти Тошкентдан қадрдон Москвага йўл олган маданият ва санъат ҳодимлари кейинги йилларда қилинган ишлари ҳақида ҳисобот берадилар. Энг яхши спектакллар намойиш қилинади, кўргазмалар ташкил этилади, ранг-баранг программали концертлар кўрсатилади.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллик юбилей олдидан Москвада қадрдон республикалар кунлари ўтказила бошланди. Москваликлар Украинани, Беларуссия, Озарбайжон каби ва бошқа қатор қадрдон республикалар маданият ва санъат арбобларининг қизғин қарши олдидлар. Бу қардош республикаларнинг маданият ва санъат кунлари аэр уюшқоқли билан ўтди.

Маданият ва санъат кунлари қардош халқлар маданияти кейинги йилларда нақадар гуллаб-яшнаётганини яққол кўрсатди. Шу билан бирга бу тадбир ижодий снов ҳам бўлди.

Мана бугун эса набат Ўзбекистон маданияти ва санъати кунларига келди. Тўғри, Москва кунларига пухта тайёргарлик қилибди. Бундан бир неча кун муқаддам бу тадбирни ўтказиш юзасидан алоҳида комиссия тузилди. Комиссия составида республикамизда кўзга қўрнган атоқли санъаткорлар, композиторлар, ёзувчилар ва маданият арбоблари бор эди.

Комиссия Москвага олиб бориладиган асарларни қизғин муҳокама қилди. Ўзбекистон композиторлари, театр коллективлари, расмслари томонидан яратилган энг яхши асарлар таллаб олинди.

Шундай қилиб, Москвада бўладиган маданият ва санъат байрамида Ўзбек санъаткорлари ва маданият ҳодимлари ўзларининг ижодий ишлари ҳақида ҳисоб берадилар.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбек маданияти ва санъати гуллаб-яшнади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин Ўзбекистон ўзининг профессионал музыка, киноискус ва скульптура санъатига эга эмас эди. Улуғ Октябрь кушининг ҳаётобаши ёдлариди, партия ва ҳукуматимизнинг оталарча қилаётган таъхирчилари тўғрисида серкўёш республикамиз ҳар томонлама равишга тоған маданият ва санъат диюрга айланди. Санъатнинг янги жанрлари равишга тоғди, театрлар ва концерт ташкилотлари ишга тушди. Энг муҳими, санъаткорларнинг жуда катта отряди етишиб чиқди.

Жонажон пойтахтда ўтказиладиган байрамга санъаткорлар вакилларидан 400 дан ортиқ киши қатнашди. СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Галия Измайлова, Саодат Қўболова, Мукаррама Турғунбоевалар етук санъатларини намойиш қиладилар. Маданият ҳодимлари орасида театр кино артистлари вакиллари ҳам бор.

Бугундан бошлаб 7 кун давомиди Кремлдаги Свёзлар саройи, Янги театр, марказий эстрада театри, «Россия» ва «Рубин» театралари Ўзбекистонлик меҳмонлар ижтйбига бериб қўйлади. Шунингдек, Москвадаги йирик саноат корхоналари илмий муассасалар ва маданият уюқларида ҳам

пойтахт меҳнаткашлари билан учрашулар ўтказилади.

Бу ерда «Баҳор» ансамбли ҳақида тўхталиб ўтишқимиз. Эндилдида кўпгина чет эл мамлакатларига ҳам таъинланган бу ансамбль ижодий сафарга янги программалар ҳозирлади. «Баҳор» ансамбли солистларининг Осиё ва Африка мамлакатларига қилинган гастроллар вақтида ўрганиб қайтган янги рақслари ҳам бу программидан ўрин олди. Шунингдек, бахтиёр Ўзбек халқининг бугунги фаровон турмушини акс эттирувчи номерлар ҳам ижро этилади.

Ҳафталик Ўзбек киноси учун ҳам катта ижодий кўрик бўлади. «Рубин» кинотеатрида Ўзбек фильмлари кинофестивали очилади. Ўша кун «Ўзбекфильм» киностудиясининг махсус тузилган «Осиё устида бўрон» номли бадий фильм намойиш қилинади. Бундан ташқари Москвалик томошбинларга Тошкент илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан суратга олинган бир неча фильмлар ҳам кўрсатилади.

Ижодий кўрикка Ўзбекистон Давлат филармонияси симфоник оркестри ҳам пухта ҳозирлик қилди. Симфоник оркестр ўз концерт программасига Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллик юбилейга бағишлаб ёзилган йирик симфоник асарларни киритди.

Кейинги йилларда Ўзбек эстрадаси кенг равишга тоғди. Эстрада репертуаридан ўрин олган ранг-баранг номерлар меҳнаткашлар томонидан севиб тингланмоқда. Москваликлар ҳам ана шу дилрабо кўшиқ ва кўйларни завоқ билан томоша қиладилар. Ўзбекистон ССР халқ артисти Вотири Зокиров, солистлардан Эльмира Урозбоева, Стахан Раҳимов, Алла Ионне ва бошқалар ижросида ҳам концертлар қўйиб берилади.

Тошкент хореография билим юрти ўқувчилари тайёрлаган «Бахтиёр ёшлик» номли сюита ҳамда Р. Глизр номидидаги музыка мактаб-интернати ёш ижрочилари ҳозирлаган концерт программалари ҳам Москваликларга тақдим этилади.

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат Академик катта опера ва балет театри коллективининг Москвадаги гастроллари маданиятимиз байрами кунларига тўғри келди. Театр Москвалик томошбинларга ўз репертуаридидаги янги спектакллари намойиш қилади. Истеъдодли композитор Рашид Ҳамроевнинг Ҳамза номидидаги республика мукофотида сазовор бўлган «Зулматдан энг» операси москваликларга биринчи марта кўрсатилади. СССР халқ артисти Мухтор Ашрафийнинг Ўзбек демократ шонли Фурқатга бағишланган «Шоир қалби» номли операси, шунингдек композитор А. Хачатурянининг «Спартак», Л. Фейтнинг «Қирғиз» балетлари спектакллар репертуаридан ўрин олди.

Маданият байрами ижодий ҳамкорлигини мустақамлашда муҳим роль ўйнайди. Ўзбек маданият ва санъат вакиллари москвалик маданият арбоблари билан учрашадилар, ўзаро фикр алмашадилар. Бу, албатта бизни қувонтиради. Иптоманики, бундай учрашув ва суҳбатлар Ўзбек маданияти ва санъатининг бундан кейинги ижодий равишга учун катта ёрдам беради.

Бу ижодий сафар чинакам етуклик имтиҳонидир.

САЛОМ, МОСКВА

Москвада Ўзбекистон маданияти ва санъати қатнашчилари 30 июль кунини кечқурун ватанимиз пойтахтига келди. Уларни кутиб олиш учун пойтахт жамоатчилигининг кўпгина вакиллари Қозон вокзалига келди.

Москва партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, Ўзбекистон делегациясининг аъзолари минбар томон йўл олдидилар. Делегациямиз составида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг мулкери С. Ш. Шермухамедов, республика маданият вазирлиги В. Н. Зоҳидов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи раисининг раис К. Н. Яшин бор.

Москва шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. А. Шелков ва СССР Маданият вазирлигининг ўринбосари В. Ф. Кухарский КПСС Москва шаҳар комитети ва Москва Совети номидан, барча москваликлар номидан байрам қатнашчиларини табриқладилар.

(ЎЗАТАГ махсус мухбири)

МОСКВА шаҳри.

ЯНГИ ИЛҲОМ БИЛАН

Яхши куй ва кўшиқ эъзолавлари. Ҳа, уларни тинглаганда беҳад завқлансан, киши! Шунинг учун бўлса керак, дилрабо куй, серзавқ кўшиқ кишининг ҳамроҳи дейишди.

Дарҳақиқат, яхши нарсалар доим қадрланади. Кўшиқ ҳам шундай. Бунинг биз бастакорлар яхши ҳис қиламиз.

Тўғри, ҳозир халқимиз севиб тинглайдиган кўшиқлар ва кўйлар жуда кўп. Янги оммабон кўшиқлар ҳам яратилмоқда. Тингловчиларга манзур бўла оладиган талайгина кўйлар басталанди. Булар, албатта тингловчиларни ҳам, бизларни ҳам қувонтиради.

Москвалик биродарларга ана шу ижодий армуғонларимиздан қўпнаси тақдим этилади. Фақат кўшиқ ва кўйларгина эмас, аниқ бир вақтда йирик музыка асарлари ҳам томоша программаларидан кенг ўрин олади.

Пойтахт театрларида Ўзбек опера ва балет асарлари намойиш қилинади. Бир эслаб кўринг-а Москвада Ўзбек адабиёти ва санъатининг биринчи декадаси ўт.

казийганда биродарларимизга даярли опера асари кўрсатмаган эдик.

Ҳозирчи! Ҳозир яхши опера ва балет асарлари кўллаб яратилган. Кейинги йилларда «Майсар»нинг иши, «Ҳамза», «Хоразм кўшиги», «Улуғбек» каби опера асарлари маҳдонга келди. Янги орада биринчи Ўзбек болалар операсига эга бўламиз.

Ҳозир Алишер Навоий номидидаги катта опера ва балет театрида Ўзбек композиторлари яратган янги сахна асарларини кўрсатиш учун қизғин тайёргарлик қилинмоқда.

Москвада ўтказиладиган маданият байрам шаҳсан мен учун ҳам жуда қувончли бўлади. Нега десангиз, «Зулматдан энг» деган операни Москва томошбинларига кўрсатишга лозим деб топилиди. Бу мен учун аниқсиз қувончлидир.

Ижодкор, ҳоҳ у ёзувчи бўлсин, ҳоҳ у композитор ёки расм бўлсин, барибир доим изла.

нишда қайноқ меҳнат билан банд бўлади. Талантли Ўзбек композиторлари қатори мен ҳам янги ижодий режалар билан бандман.

Яқинда янги симфоник асарни ёзиб тамойилдим. Ҳозир эса ёзувчи Туроб Тула билан янги опера яратишга бел боғладим. Асар бахтиёр Ўзбек халқи ҳаётидан олиб ёзилади.

Москвада Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари ўтказилиши биз бастакорларни ҳам қувонтирди. Ахир, бу тадбир биз ижодкорлар учун ҳар томонлама фойда келтиради. Тўғрироғи, улар имтиҳон давосидан ошардилар. Москвалик ижодкорлар билан фикр алмашадилар, уларнинг фойдали маслаҳатларидан баҳраманд бўладилар.

Қисқаси, санъаткорлар маданият байрамидан катта ижодий режалар билан қайтадилар. Бу режалар, шубҳасиз, бастакорлар илҳомига-илҳом қўшади.

Р. ҲАМРОЕВ,

Ҳамза мукофотининг лауреати, композитор.



«Баҳор» ансамбли рақосаларининг ҳар бир ўйинида ўзига хос нафосат ифодаси жилваланadi.

ҲАФТАЛИК КУНДАЛИГИ

1 август кунини Ўзбекистон делегацияси Владимир Ильич Ленин мавзеидаги ва Номаълум солдат кибритни бориб кўрадилар ва гулчамбарлар кўрадилар. Шунингдек, Москвадаги диққатга сазовор жойларини бориб кўрадилар.

1 август — Халқ ҳўналғи ютуқлари анставкасида Ўзбекистон фан, маданият арбоблари ва халқ ҳўналғи мутахассисларининг москваликлар билан учрашуви ўтказилади. Виставанинг концерт залда Алишер Навоий номли опера ва балет театри, Ўзбекистон Давлат филармониясининг артистлари ижросида катта концерт бўлади. Шу кунини виставанинг кинотеатрида ва Москванинг бошқа томоша жойларида «Ўзбекфильм» киностудияси ишлаб чиқарган бадий, қисқа метражли ва ҳуноқли фильмлар намоиш қилинади. Кремлдаги Свёзлар саройида Ўзбекистон санъат усталарининг концерти бўлади.

2 август — Ўзбекистон делегацияси Люблин қуюв-механика заводи ва оғир машинасозлик илмий-теҳириш институтида бўладилар. Бу жойларда Ўзбекистон санъаткорлари ўзларининг янги репертуарларини намойиш қиладилар. Шу кунини Кремль театрида Ўзбекистон делегациясининг Москва жамоатчилиги билан учрашуви ўтказилади.

3 август — Москва соатсозлиги, қисқа метражли автомобил, 1-подшипник заводалари коллетиивлари, шунингдек Госплан хизматчилари билан Ўзбекистон делегациясининг учрашуви бўлади.

4 август — Халқ ҳўналғи ютуқлари анставкасида Ўзбекистон ССРнинг миллий кунини бўлади. Виставани томоша залларида ва кинотеатрларида Ўзбекистон санъаткорларининг концертлари бўлади. Республикамиз кинематографистларининг янги фильмлари намойиш қилинади. Ўзбекистон фан ва маданият арбоблари ва халқ ҳўналғи мутахассислари нинг учрашувлари бўлади. Виставанидаги учрашува томошалар Москва телевидениеси орқали кўрсатилади.

5 ва 6 август — Халқ ҳўналғи ютуқлари анставкасида Ўзбекистон санъаткорларининг қиқишлари бўлади. Шу кунини Ўзбек кинематография ижодий ҳодимлари Москва кино санъати арбоблари билан учрашувлари ўтказилади. Кремль театрида Ўзбекистон филармонияси, эстрадаси ва «Баҳор» ансамбли санъаткорларининг қиқишлари бўлади. Москванинг даи олиш париларида, шунингдек бошқа жойларида республикамиздан борган ёзувчилар, композиторлар, санъаткорлар, расмслар ва халқ ҳўналғи мутахассисларининг қиқишлари ва учрашувлари ўтказилади. Республикамиз маданият ва санъат арбоблари улуғ пойтахт меҳнаткашларига ўзларининг ижодий муваффақиятларидан ҳисоб берадилар.

ХАЛҚ ҲАЁТИ ПОЛОТНОЛАРДА

Ўзбекистон тасвирий санъат усталарининг бир гуруписи шу кунларда Москвада меҳмон бўлиб турибдилар. Улар жонажон пойтахтга Ўзбекистон маданияти ва санъати кунларини ўтказишда қатнашиш учун келганлар. Ўзбекистон тасвирий санъат янгиликлари пойтахт томошбинларига намойиш қилинади. Ўзбек мўй-калам усталаридан Урол Танснбоев, Лутфулла Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Зокир Ингомов, Маннон Саидов ва бошқа мохир расмсларнинг энг яхши асарлари виставка залларига қўйилган.

Москвада кўрсатиладиган полотнолар ичида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигига тўғрива этилган расмлар бор. Республикамиз расмслари улуғ байрамни муносиб ижодий соғалар билан кутиб олиш учун кўп вақтдан бундан самарали ишлаб келмоқдалар. Ўзбекистон расмсларининг юбилей йилида яратётган полотнолари Октябрь ғалабаларига, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатилиши темаларига бағишланган. Совет Ўзбекистонининг бугунги ҳаёти, унинг дондор кишилари, саноат, қишлоқ ҳўналғи илгөрлари, фан ва маданият арбобларининг портретлари расмсларимизни илҳомбахш темаси бўлиб қолмоқда. Москвада кўрсатиладиган ижодий ишлар

орасида республикамизнинг бугунги ҳаёти ва унинг илгөр кишилари темасига бағишланган полотнолар кенг ўрин олган. Юбилей йилида халқимизнинг ҳаёти ва кураши темасига бағишланган расмлар ичида В. Нецаевнинг «Регистон устидаги байроқ», Р. Чориевнинг «Бухоро амрлигининг емирилиши» К. Носировнинг «Ер деҳқонларга» деган янги полотноларини кўрсатиш мумкин. Замондошларимиз ҳақида расмслардан Р. Аҳмедов, З. Ингомов, М. Саидов, Т. Оганесов ва бошқалар янги расмлар яратганлар.

Ўзбекистон расмслари улуғ доҳимиз Владимир Ильич Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолиятига бағишланган полотнолар устида ижодий иш олиб бормоқдалар.

Ю. ЕЛИЗАРОВ. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

далар. В. И. Ленин образи устида В. Кайдалов, Л. Абдуллаев, Н. Кузубоевлар самарали иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон расмслари ўз асарларида Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги, жонажон дйоримизнинг босиб ўтган шонли йўли ва бугунги гўзал ҳаёти эпопеясини яратиш учун бутун ижодий куч ва маҳоратларини ишга солимоқдалар.

Ю. ЕЛИЗАРОВ. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.



МЕХНАТ ТАРОНАСИ

Ҳали бу оммавий рақси кўп томошбинлар кўриб улгурганларича йўқ. У яқиндагина ансамбль концерт программасидан ўрин олди.

Рақс жуда жозибали ижро этилади. Унда истиқболли порлоқ Ўзбек аёлнинг бахтли тақдирини шафланайди.

Бу ерда гап «Берёзка»нинг сингисли «Баҳор» рақс ансамблининг янги номери ҳақида борапти. «Озод меҳнат» деб номланди у. «Баҳор» ансамблининг бадий раҳбари, СССР халқ артистаси Мукаррама Турғунбоева томонидан сахналаштирилган мажмур рақс ҳам энг яхши номерлардан бири бўлиб қолди.

Ансамбль рақосалари москваликларга кўрсатиш учун концерт программасига 12 та янги рақс киритдилар. «Озод меҳнат» рақси шулардан биридир.

«Ўзбекфильм» киностудияси «Генерал Собир Раҳимов» номли янги фильм яратишга киришди. Ҳозир фильм съёмкалари қизғин давом этимоқда. Сиз бу суратда С. Раҳимов ролини Ўзбекистон халқ артисти З. Муҳаммаджонов ижросида кўриб турибсиз.

МАРКАЗИЙ НАШРИЁТЛАРДА

Москва нашриётлари учун юбилей йили жуда махсусдур йил бўлади. Нашр этиладиган китоблар орасида Ўзбекистонлик қалам соҳибларининг ҳам асарлари бор.

«Ўзбек совет адабиёти очерклари» номли адабий-илмий мақолалар тўплами юбилейга ҳозирланган ижодий армуғондир. Бу тўплам Москвада рус тилида босиб чиқариш учун тайёрланди.

Москвадаги «Болалар адабиёти» нашриёти Улуғ Октябрнинг шонли тўйи муносабати билан тўпламлар туркумини босиб чиқаришга киришди. Ёзувчи Асқад Мухторнинг «Янги йўллар, қадимий йўллар» номли китоби ҳам янги орада ўқувчиларга тақдим этилади. «Советский писатель» нашриёти эса ёзувчининг «Давр менинг тақдиримда» асарини қайта нашр этади.

Шунингдек, ёзувчи Саид Аҳмадининг «Уфк» романи рус китобхоналарига тақдим этилади. Унинг «Крокодил» кутубхонаси» учун тайёрлаган тўплами ҳам чиқади. Ҳар иккала китоб Москва нашриётларида босилади.

ДИЁРНИ ШАРАФЛАБ

Ўзбекистон ССР Давлат филармонияси ашула ва рақс ансамбли ранг-баранг концерт программаси билан Москвага йўл олди. Унинг репертуарига киритилган «Жон Ўзбекистон» номли вокал рақс сюитаси маданият байрамига муносиб ижодий армуғон бўлди. Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигига бағишланган мажмур музикали лавҳалар бир бутун композицияни эслатади. Уш филармониянинг бадий раҳбари Н. Ҳалилов сахналаштирди. Майин музикалар, дилрабо кўшиқлардан ташкил тоған вокаль сюитани тинглаган киши ўзини серкўёш Ўзбекистон водийларида сайр қилиб юргандек ҳис қилади. Чиндан ҳам меҳнатсевар Ўзбек халқининг бугунги фаровон ҳаёти музика тилида ёрқин очиб берилган.

РАССОМ Ю. Елизаровнинг «Ўзбекистон ССРни ил эълон қилиниши» номли бу полотноси республикамиз санъат музейларида бир неча бор намойиш қилинди. Республикамиз бўйлаб ташкил этилган кўчма виставкалар экспозицияларига киритилди.

Асар композицияси жиҳатидан ҳам, чизилиши жиҳатидан ҳам эътиборни ўзига тортиди.

Суратда: «Ўзбекистон ССРнинг эълон қилиниши» полотносидан репродукция.



